Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 4 сентябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 66 (6763)

Даъват

Шубҳа йуқ, илмдан
Тирикдир инсон.
Машаққат, меҳнатни
Енгади осон.

Абулқосим Фирдавсий.

Ибрат

Қутлуғ байрам арафасида Наманган вилояти ҳокимлиги шаҳардаги 26-меҳрибонлик уйининг 100 нафар тарбияланувчиси ҳамда 2 мингта кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига бир сидра кийим-кечак ҳадя этди.

АНЪАНАВИЙ ТУРНИР БОШЛАНДИ

Мустақил мамлакатимизнинг спорт соҳасида ҳам жаҳон миқёсида нуфузи ортиб бормоқда. Юртимиз вакиллари халқаро мусобақаларда ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Уларнинг ғалабалари шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграмоқда. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнири, таъбир жоиз бўлса, ана шу хайрли ишларга кенг йўл очиб берди.

Бугунги кунда мазкур турнир анъанавий тус олиб учинчи марта ўтказилаётир. Унда қатнашувчилар сони ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу йилги ғолиблик учун курашувчилар орасида АҚШ, Франция, Россия, Португалия, Словакия, Швейцария каби ўнлаб мамлакатлардан келган моҳир теннисчилар бор.

2 сентябрь куни «Юнусобод» теннис мажмуида ана шу мусобақанинг расмий очилиш маросими бўлди.

Маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Юртбошимиз барча спорт мухлисларини катта теннис байрами билан қутлади. Мусобақа ташкилотчиларига, хакам ва қатнашчиларига, Халқаро Олимпиада қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранчга, теннис жонкуяри Сассон Какшурига миннатдорлик билдирди.

Халқаро теннис мусобақаларининг ташкилотчиси С. Какшури ўз сўзида кейинги йилларда Ўзбекистонда спорт, хусусан теннисниг ривожланаётганига шоҳид бўлдик, бу мамлакатда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларнинг ёрқин намойишидир, деди.

Дарҳақиқат, қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда кўплаб спорт иншоотлари, бир-биридан кўркам теннис кортлари, сув ҳавзалари бунёд этилди. Каттаю кичик спорт билан ихлос қўйиб шуғулланмоқда. Теннис бўйича «Ҳавас», «Ибрат» турнирлари ўтказила бошлади.

Мусобақа очиқ деб эълон қилинади. Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди. Кўкка олов фавворалар отилади.

Мусобақа қатнашчилари майдонга тушади. Томошабинларни ҳаяжонга соладиган кескин спорт курашлари бошланади...

Турнирнинг очилиш маросимида республика Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур турнирни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси И.Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг, Бош вазирнинг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

«Президент кубоги» ҳақидаги мухбирларимиз материалларини 4-саҳифада ўқийсиз.

ЖАРАРИҚДА ЯНГИ МАКТАБ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Жарариқ мавзеси аҳолисига яна бир қулайлик яратилди. Мавзедаги 299-мактаб ёнида янги 1251-ўринли 320-мактаб ишга тушди. Уни 22-, 53-қурилиш бошқармалари қурувчилари қисқа фурсатларда бунёд этишди.

Янги мактабни қурувчилардан қабул қилиб олиш тантанаси янги ўқув йили бошланишига тўғри келди. Унда иштирок этган Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев истиқлол берган бахт, бозор иқтисодиёти шароитида давлатимизнинг маорифга эътибори, янги таълим масканини кўз қорачиғидай асраш, таълим-тарбияда ота-оналарнинг ўрни ва мактаб жамоасининг айни кундаги вазифалари ва бошқа масалалар тўғрисида атрофлича сўз юритди.

Вазир сўзининг охирида мактабга янги типдаги IBM компьютери комплекти ажратилажагини билдирди. Компьютер шу ҳафта ичида кенг ва ёруғ синфхоналардан бирига ўрнатилади.

Алвон лента қирқилгандан сўнг мактаб директори Насиба Шораҳмедова қурувчилардан рамзий калитни қабул қилиб олди. Дил сўзларида қурувчилар меҳнатини яна бир карра тилга олди. Илм масканини жиҳозлашдаги катта ёрдами учун Италия мутахассислари билан ҳамкорлик қилаётган «Стан Карим» кичик корхонасига миннатдорчилик билдирди.

Тантанада Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов, вазир ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев Шайхонтоҳур тумани ҳокими Атҳамжон Миржалилов ва бошқалар иштирок этишди.

Биринчи қўнғироқ жарангги барча қалбларни энтиктирди. Синфхоналардаги мустақиллик дарсларида, Ватан, истиқлол, халқ, милат, бурч ва масъулият тушунчалари ҳақида сўз борди. 3 та биринчи синфда янги алифбо бўйича илк сабоқлар бўлиб ўтди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ.

Мамлакатимизда янги — 1996-1997 ўқув йили бошланди. Бу йил 25.000 га яқин биринчи синфларда 620 мингга яқин ўқувчи лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосидан сабоқ ола бошлади.



ОСИЁДА ЯГОНА МУЗЕЙ

1 сентябрь куни Тошкентда Олимпия шон-шуҳрати музейининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Осиёда ягона бу музейни барпо этиш фикри Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил баҳорда Халқаро олимпия қўмитасининг Лозаннадаги қароргоҳига ва бу ердаги Олимпия шон-шуҳрати музейига ташрифи чоғида туғилган эди. Ушанда юртбошимиз Ўзбекистоннинг ҳам ана шундай музейи бўлажагини, у мамлакатимиз халқининг шонли тарихи, анъаналари, мардлиги ҳақида ҳикоя қилувчи маскан бўлишини таъкидлаган эди.

Музейнинг очилиш маросимига Халқаро олимпия қўмитаси (ХОҚ) президенти Хуан Антонио Самаранч жаноблари ташриф буюрди. Гўзал қилиб таъмирдан чиқарилган музей остонасида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва ХОҚ президенти Хуан Антонио Самаранчни республикамиз спорти фахрийлари, Олимпия ўйинлари совриндорлари ва иштирокчилари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари, журналистлар қарши олди.

Музейнинг очилиш морасимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

БАНК СИНФЛАРИ ОЧИЛДИ

Республикамизда халқ таълимини ислоҳ қилиш жадал давом этмоқда. Бинобарин, янги турдаги ўқув муассасалари сони йилдан-йилга ортаяпти. Гимназия, лицей-интернат, лицей-синфлар, мактаб-богчаларга иқтидорли болалар тест синовлари асосида қабул қилинмоқда. Уларни тугатган йигит-қизлар олий ўқув юртларига кўплаб кираётганлиги отаонларда янада қизиқиш уйғотаяпти.

Бу йил яна бир янгилик рўй берди. Вилоятимиз марказида 2, 7-мактабларда банк синфларига 8-синфни тугатган ўғил-қизлар тест синовлари асосида кириб, ўқиш бахтига муяссар бўлишди.

Республика банклар ассоциацияси ҳомийлигида синфхоналар ЭҲМлар билан жиҳозланди. ВХТБ раҳнамолигида ўтган синовларда келажагимиз эгаларининг математика, иқтисодий таълим асослари, инглиз тили, психология бўйича дастлабки тушунчалари қўрилиб, балл асосида меъёрларга солинди.

Ота-оналар худди дилбандини олий ўқув юртига киритиш учун келгандай ҳаяжонда.

— Бу синфни ташкил этиш учун Тошкентга бориб келдик. Дастурлар, режалар, дарсликлар олиб келдик. Узбекистон Банклар ассоциацияси бир хонани компьютерлар билан жиҳозлаб беришди, — деди 2-мактаб директори У. Очилов мамнунлик билан.

Ҳафтасига 38 соат машғулотнинг 23 соати умумтаълим фанларини, қолгани йўналишга оид фанлар — математика, ЭҲМ, иқтисодий билим асослари, шахс, мулоқот, бошқариш психологияси, иш юритиш услубияти, маркетинг, инглиз тили, ҳуқуқий билим асослари сингариларни ўрганишга бағишланади.

Шу билан бирга компьютер саводхонлигига эришилади.

Дарвоқе, янги турдаги ўқув юртларига қабул қилиш муассаса ходимлари томонидан амалга оширилаяпти. Имтиҳонлар, дастурлар турлича. Буларнинг ҳам олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришдагидек марказлаштириш лозимга ўхшайди. Шунда танловлар янада самарали бўлур эди. Хуллас, жаҳон андозаларига мос келадиган мутахассислар ҳозирлашга дастлабки қадамлар қўйилмоқда.

Н. ТЎРАЕВ,
Термиз шаҳри.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ 31 август куни пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида Ватанимиз истиқлолининг 5 йиллигига бағишланган катта байрам тантаналари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тантана қатнашчилари сиймосида бутун Ўзбекистон халқига байрам табриги билан мурожаат этди.

❀ Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги куни арафасида Индонезияда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби индонезия тилида нашр этилди. Жакартада китоб тақдимотига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

❀ 1 сентябрь куни Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасида Халқаро Олимпия қўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранч билан Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти ҳамда спорт федерациялари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

❀ Чеченистоннинг расмий ҳукуматида Бош вазир ўринбосари лавозимини эгаллаб келган А. Амирхонов шанба куни тинчлик битимига эришилгани боис истеъфо беришини маълум қилди. У Доку Завгаев раҳбарлик қилган ҳукуматнинг бошқа аъзоларини ҳам ўз ортидан эргашишига даъват этмоқда.

❀ Ягона Европа валютасини жорий этиш ҳамда аср охиригача Европа иқтисодий интеграциясини амалга оширишда бир-бирларини қўллаб-қувватлашга эришиш мақсадида Франция ва Германия ҳукуматлари бошлиқлари учрашишди.

ИНТЕРНЕТ КИТОБХОНЛАР УЧУН

Эндиликда Интернет компьютер тизимидан китобхонлар энг янги адабиётларни топишда, сотувчилар эса қандай китобларга эҳтиёж ортиб бораётганлигини аниқлашда фойдаланишлари мумкин.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

УЧАР ЛИКОПЧА ЯСАЛДИ

Шаклидаги ўзига хос самолёт Россиянинг Саратов авиация заводида ишлаб чиқарилмоқда. «ЭПИК» номли бу «қуш»дан ўрмон ёнғинини ўчириш, геологик ишларда фойдаланиш қулай эканлигини дунё олимлари ҳам тасдиқладилар.

ЯНАГИ ЁРДАМ

АҚШ президенти Билл Клинтоннинг сайловолди учрашувларидан бирида коллежларнинг ночор талаба ва ўқувчиларига 1.500 доллар миқдорида кредит берилажагини эълон қилди.

МУАЛЛИФИ ТОПИЛДИ

Инглиз адабиётига муаллифи ҳанузгача номаълум бўлган «Эдуард» асарини адабиётшунос олим Эрик Самс Уильям Шекспир қаламига тегишли деб топди. Э. Самс асарни шу пайтгача ҳеч ким бундай чуқур тадқиқ этмаган демоқда.

ТЕЛЕВИЗОР БЎЛСА ЕТАДИ

Германиянинг «Нэтэнкэйп коммуникейшнс» корпорацияси телевизор ёки телефон орқали интернет тизими уланувчи асбобни яратишга киришди. Ҳозирча интернетдан фақат компьютер билангина фойдаланиш мумкин.

ЁРУҒЛИК

Истиқлол одимлари

Ишончларимизга суяниб, умидимиз машъаласи нурлантирган йўллардан одимлаб, Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллик тантаналарига ҳам яқинлашиб қолдик. Халқимиз меҳнат, изланиш билан соатма-соат, кунба-кун ўзини қайта яратмоқда. Ҳар қандай ўзгариш, юксалиш тафаккурдан бошланади. Тафаккур ёришса, қалбга ёруғлиқ тушади. Қалб жисму жонга ёғду беради. Инсон ўз ёруғлигида атрофни равшанроқ кўра бошлайди. Йўлни тусмоллаб эмас, билиб босади.

Тафаккурни ёритадиган чироқ — бу билим. Айнан шу чироқ нурларини порлатиш учун Ватанимиз халқ таълими тизимида ислоҳотлар бошланган. Хўш, бу ислоҳотлар Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида қандай амалга оширилмоқда? Журналист Қутлибека Раҳимбоева туман халқ таълими бўлими мудири Гулсанам САФАРОВА билан шу мавзуда суҳбатлашди:

— Гулсанам опа, маорифимиздаги янгиланишлар, назаримда, бир неча йўналишларда иборат: янги алифбога ўтиш, ўқитиш услубини давр талаблари даражасига кўтариш, таълимнинг замонавий моддий базасини яратиш ва ҳоказо-ҳоказолар... Сизнингча, бу йўналишларнинг қай бири муҳимроқ?

— Аслида буниси муҳим, униси иккинчи даражали деб ажратиш тўғри эмас. Чунки бу йўналишлар уйғунликда катта мақсадларга хизмат қилади.

Аммо ўзингизга аён, макон — бирламчи, сиз бўлмасангиз, фикрингиз бўлмайди. Шунинг учун мен кўпроқ ўрин-жой масалаларига диққатни қаратаман. Беруний тумани халқ таълими бўлимида иш бошлаганимга йигирма йилга яқинлашди. Шу даврда 19 та янги замонавий мактаб биносини қуриб ишга туширдик. Бу рақам осонгина айтилади. Аммо бошдаги режадан то қоғоздаги чизмагача, чизмадан бино бунёд бўлиш жараёни осон кечмайди. Маориф — маънавият жабҳаси. Унинг бойлиги ҳеч қачон қўлида бўлмаган. Унинг бойлиги — юрагида. Шунинг учун қурилишлар енгилгина битмайди. Барибир, мен бугун ҳам қурилишлар тарафдориман. Истиқлол болаларининг руҳи тетик, боши тик бўлиши керак. Улар чиройли биноларда, кенг хоналарда таълим олишсин. Шунда уларнинг кўнгли инсонларда бўлади, руҳияти синмайди.

(Давоми 2-бетда)

Алгоритм! У ўзи нима? Бу ҳақда академик ва профессор мулоқотидан билиб оласиз.

3-бетга қаранг.

МММ — ХАБАРЛАРИ

БОЙ БЎЛИШГА НИМА ЕТСИН...

Бўз туманига қарашли Ғалаба номидаги мактабнинг биология муаллими К. Жўрақулов етагида юқори синф ўқувчилари йил бўйи пахта пайкали ҳамда мактаб боғида роса тер тўкишувди. Эвазига 30 минг сўм даромад қилиб қўйишибди, денг. Пулларни эса, дарров мактаб маъмурияти билан келишиб, банкка жойлаб олишди. Натижада мактаб банкда ўз ҳисоб рақамига эга бўлди.

Янги ўқув йили арафасида ана шу маблағ ҳисобидан 7 минг сўмлик кўргазмали қуроллар, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар харид қилинди. Умуман мактаб аҳли ҳеч кимдан тайёргарлик, таъмир борасида ёрдам сўраб ўтиргани йўқ. Шу кунларда бўлса, мактаб буғдойзоридан «топилган» мўмай даромад ҳам банкка қўйиш учун мўлжалланаяпти. Ишқилиб бой бўлиш, барибир яхши экан-да!

BAYRAMTALAB NAMOYISH

Surxondaryo viloyat O'lkashunoslik muzeyda «Istiqlol yo'lidan», «Sohibqiron-660 yoshda» deb nomlangan qo'chma ko'rgazmalar tashkil etildi. Mazkur ko'rgazmalarning dastlabki namoyishi esa yaqinda Termiz shahridagi bojxona-chegarachilar qismi xizmatchilari huzurida bo'ldi. Muzey xodimlaridan X. Omonov, D. Qilichev, Q. Murodova «Surxondaryo xalq xo'jaligi va tarixi», «O'lka xalq hunarmandchiligi va etnografiyasi» kabi qiziqarli ma'ruzalar bilan chiqishdi. Bundan tashqari, ko'rgazma bojxona-chegarachilar qismining «Do'stlik» nomli o'zbek-afgon ko'prigi bo'linmasida ham namoyish etildi.

ҲУР ВАТАН МАДҲИ

Куйлаш яхши. Ватанни куйлаш ундан ҳам яхши. Кўнгилдаги бор илҳом билан жўшиб куйласангиз ғуборларингиз тарқайди, қарчоғингиз ёзилади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда Усмон Юсупов туманидаги Йўлдош Қурбонов номли мактаб ўқувчилари музика тўгараги раҳбари Т. Мустафоев билан биргаликда янги замон ҳақидаги қўшиқларни тинимсиз яратиб ётишибди. Н. Ҳақбердиева, З. Ғаниева, А. Поёнова сингари ўқувчиларнинг эса, бу борада алоҳида истеъдоди бор.

Муаллифлар:
Ҳасанбой РУСТАМОВ,
M. KARIMOVA,
Файзулла ЭШҚУЛОВ.

МУВАФФАҚИЯТ ЗАМИНИ

Муртазо СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган бинокор, иқтисод фанлари номзоди.

Таълимнинг ривожи бу — миллий муаммодир. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари кўп жиҳатдан шу муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ. Буни ҳурматли Президентимиз И. А. Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида қуйидагича белгилайдилар:

«...Миллий тикланиш йўли юқори саводхонлик, юксак маданият орқали ўтади. Шунинг учун ҳам маълумот даражаси, профессионал тайёргарлик даражаси XXI аср арафасида бизнинг ижтимоий ривожланишимизнинг ўлчови бўлиб қолмоғи керак. Бу — ислоҳотларнинг белгиланган йўлдан боришини муваффақиятли амалга оширишнинг энг яхши кафолатидир. Бу сарфланган маблағлардан вақти келиб энг кўп фойда олинадиган йўналишдир».

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги мураккабликлар ҳисобга олиниб, халқ таълими муассасалари, ўқув юртлари ва вазирлик тасарруфидаги ташкилотлар янги 1996-97 ўқув йилига ҳамда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик борасида анчагина ишларни амалга оширдилар.

Мактаб бозорларини ташкил этиш янги ўқув йилига тайёргарлик тадбирларининг муҳим босқичи бўлди. «Узбексавдо» ва «Узбекбирлашув» концернлари билан ҳамкорликда шаҳар ва туманларнинг барчасида ўқувчилар формалари, ўқув қуроллари, мактаб анжомлари билан савдо қилувчи бозорлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кўрсатмалари, қарорлари асосида ўзида миллий ва минтақавий анъаналарни мужассам этган янги дарслик, дастур, ўқув қўлланмаларини яратиш ва уларни чоп этиб амалиётга тадбиқ қилиш, шу асосда таълим мазмунини тубдан янгилаш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, 1996-1997 ўқув йили учун «Ўқитувчи» нашриёти томонидан 71 номда 22616 минг нусхадаги мактаб кутубхоналари жамғармасига киритилган дарсликларни нашр этиш режалаштирилган эди. Шу кунга қадар 71 номда 19275 минг нусхадаги дарсликлар чоп этилди ва тасдиқланган тақсимот (лимит) асосида «Ўзтошкитоб» савдо тармоғи орқали жойларга етказилди ва етказилаётир.

Ҳозирда 1-синфлар учун мўлжалланган, янги ўзбек алифбоси (лотин ёзуви асосида) тузилган 16 номдаги дарслик ва ўқув қуроллари нашриёт томонидан чоп этилди ва республикамиз ҳудудидаги барча мактабларга етказилди.

Янги ўқув йили ҳамда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик борасида ҳам анча ишлар амалга оширилди. Шу ўринда бир жиҳатни таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Аввалари мазкур йўналишни назорат қилувчи штаб йиғилиши вазирлик йиғингоҳида ўтар эди. Бу йил бевосита жойларга чиқилди. Мавжуд муаммолар ўша ерда, иссиғида ҳал этилди.

Шу боис республика бўйича 15 августга қадар барча таълим муассасалари ўқув юртларида режалаштирилган жорий таъмирлаш ишлари муваффақиятли тугалланди.

Бугунги кунга олинган маълумотларга қараганда эса 800 мактабда, 410 та болалар боғчаларида, 56 та мактабдан ташқари муассасаларда, 27 та мактаб-интернатда, 118 та ҳунар-техника билим юртларида капитал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилган. 557 та иситиш қозонхонаси, 190 минг метр ички ва 135 минг метр ташқи иситиш тармоқлари, 22659 та иситиш печкалари, 350 минг кв. метр томлар капитал таъмирлашдан чиқарилди ҳамда 238 минг кв. метр синган ойналар алмаштирилди. 3414 та иситиш тармоқлари юқори босим остида тозаланди.

Вазирлик тасарруфидаги «Таълим-таъминот» Бош бошқармасининг вилоятлардаги таъминот корхоналари томонидан таъмирлаш ишлари учун зарур бўёқ, пол тахта, ДСП (ёғоч тола плита), шифер, ойна, қувурлар ва бошқа қурилиш материаллари талабномалар асосида муассасаларга етказиб турилди. Бош бошқарма томонидан таълим муассасаларини кўмир билан таъминлаш мақсадида 430 минг тонна кўмир учун шартнома тузилган. Шу кунга қадар 320 минг тонна кўмир олиниб, жойларга етказилди. Кўмир ва суюқ ёнилғи жамғариш режаси 1 октябрга тўлиқ бажарилади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктуасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорини Халқ таълимига, айниқса қишлоқ мактаблари моддий-техника негизини яхшилашга ҳукуматимизнинг катта ғамхўрлиги деб ҳисоблаймиз.

Қарор ижросини таъминловчи вазирликнинг ишчи гуруҳи аъзолари Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев бошчилигида Тошкент, вазирнинг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов раҳбарлигида Қашқадарё, вазир ўринбосарлари Хайриддин Маъсудов раҳбарлигида Сирдарё ва Жиззах, Ҳамидулла Йўлдошев раҳбарлигида Хоразм ва мен раҳбарлигимда Фарғона, Андижон, Бухоро ва Сурхондарё ҳамда бошқарма бошлиғи Баҳодир Ҳамидов раҳбарлигида Навоий вилоятларида булиб, 1996 йил режа-дастурида қурилиб фойдаланишга топ-ширилиши мўлжалланган мактаб биноларидаги қурилиш ишларининг боришини атрофлича ўрганиб чиқдилар.

Мазкур қарор ижроси бўйича Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Камолидин Салоҳитдинов, Наманган вилояти ҳокими ўринбосари Муйдинжон Еқубов, Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари Ширин Чилғашев, Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари Игорь Подварков, Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари Жамил Шукуров, Навоий вилояти ҳокими ўринбосари Владислав Улясевич, Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари Ҳусан Умаров, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Леонид Тернових, Бухоро вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Садоитдин Сирожевлар раислигида муҳокамадан ўтказилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳозирги кунга қадар Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманининг Пайшанба посёлкасида 320 ўринли, шу туманнинг О. Маҳмудов номли жамоа хўжалигида 480 ўринли, Пахтачи туманининг «Зарафшон» жамоа хўжалигида 320 ўринли, шу туманнинг Ражабов номли жамоа хўжалигида 844 ўринли, Оқтош шаҳрида 640 ўринли, Оқдарё туманининг «Қаҳрамон» жамоа хўжалигида 240 ўринли, Иштихон туманининг «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида 180 ўринли, Жомбой туманининг Бозоров номли жамоа хўжалигида 422 ўринли, шу туманнинг Қурбонов номли жамоа хўжалигида 120 ўринли ва «Зарафшон» жамоа хўжалигида 420 ўринли, Қашқадарё вилояти Ғузор туманининг «Наврўз» жамоа хўжалигида 160 ўринли, Бухоро вилояти Ғиждувон шаҳрида 660 ўринли, Пешку тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалигида 844 ўринли, Жондор туманининг «Зарафшон» жамоа хўжалигида 320 ўринли, Жиззах вилояти Ғаллаорол туманининг Губдин қишлоғида 172 ўринли, Наманган вилояти Янгиқўрғон туманининг Ж. Охунов номли жамоа хўжалигида 360 ўринли, Поп туманининг Ғурумсарой қишлоғида 180 ўринли, Уйчи туманида 360 ўринли, Сурхондарё вилояти Қизириқ туманининг «Истора» жамоа хўжалигида 360 ўринли, Сариосиё туманининг Охунбобоев номли жамоа хўжалигида 280 ўринли, Сирдарё вилояти Ш.Рашидов туманининг 4-А давлат хўжалигида 192 ўринли, Хоразм вилояти Гурлан туманида 320 ўринли, Ургенч шаҳри «Наврўз» поселкасида 320 ўринли, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманида 510 ўринли мактаб бинолари фойдаланишга топширилди.

Куни кеча Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Жарариқ мавзесида 159-қурилиш трестининг 22-бинокорлик бошқармаси бунёдкорлари қуриб берган янги 1251 ўринли мактаб биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи, вазир ўринбосари Ҳамидулла Йўлдошев, Шайхонтоҳур тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Адҳамжон Миржалилов, 159-қурилиш трести бошқарувчиси Виталий Зак ва бошқалар қатнашдилар. Шунингдек, Мирзо Улуғбек туманидаги Амир Темур номидаги 112-мактаб ҳам ўқувчиларга тақдим этилди. 540 ўринли ушбу мактабнинг очилиш маросимида Мирзо Улуғбек тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

1996 йил капитал қурилиш режа-дастурига кўра 1 сентябргача 51 та 19 минг ўқувчига мўлжалланган билим масканлари қуриб битказилди. 1 октябргача эса 78 та 30 минг 590 ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари қурилиши битказилиб, ўз ўқувчиларини қучоғига олади.

Таълим муассасаларини жиҳоз, мебеллар билан ўз вақтида таъминлаш мақсадида вазирлигимиз билан Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги «Файз» мебел ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ўртасида 1996-2000 йилларга мўлжалланган шартнома тузилди. Шартномага асосан ҳиссадорлик жамиятининг иккита цехида фақат таълим муассасаларига, хусусан мактаб учун мебель, жиҳозлар ишлаб чиқарилиши ҳисобга олиниб, бу иш шу йилнинг биринчи чорагидаёқ бошлаб юборилди.

Мазкур йилнинг биринчи ярмида қурилиб фойдаланишга топширилган мактаблар учун 30 млн. сўмлик мебел (стол, стул, жовон, парта, доска)лар жойларга етказиб берилди.

Бундан ташқари вазирликка қарашли «Таълим-таъминот» Бош бошқармаси қошида «Жаҳонгир» фирмаси ҳамда бир қатор вилоят халқ таълими бошқармалари қошида кичик корхоналар тузилиб, уларда ҳозирги кунда зарур бўлган парта ва доскалар ишлаб чиқарилмоқда. Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги устахона мактабларни бўр билан таъминламоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтишдаги мураккабликлар ҳисобга олиниб, таълим муассасаларида мавжуд бўлган ўқув-кўргазма қуроллари ва жиҳозларни таъмирлаш борасида вазирлик тасарруфидаги ташкилотларда амалий чора-тадбирлар белгиланмоқда. Жумладан, Республика «Таълим-таъминот-жиҳоз» ва Андижон «Таълим-таъминот» корхоналари қошида лингафон, физика, химия кабинетлари, электр ускуналарини амперметр, вольтметр, осциллограф, универсал тўғрилагичларни таъмирловчи «Мактаб-лингафон», Бухоро вилояти «Таълим-таъминот» корхонаси қошида эса, кодоскоп, эпидиаскоп, эпипроектор, графопроектор, телескоп ва фильмоскопларни таъмирловчи «Мактаб-жиҳоз-Бухоро» қўшма корхоналари очилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги мактабларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш масаласига жиддий эътиборини қаратмоқда. Хусусан жорий йилда мактаблар учун энг замонавий техника воситалари — 160 комплект «IBM» компьютерлари ажратиш режалаштирилган. Шулардан 100 комплекти биринчи ярим йилликда жойларга етказилди, қолганлари йил охиригача етказиб берилади.

Фурсатдан фойдаланиб ҳаммаларингизни куни кеча нишонланган улуғ байрам — Мустақиллигимизнинг 5 йиллиги ҳамда янги 1996-1997 ўқув йили билан табриклайман. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилаларингизга қут-барака, осойишталик, жонажон Ватанимиз равнақи йўлидаги машаққатли, аммо фахрли ишингизда улкан зафарлар тилайман.

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Бу йилги анъанавий Август кенгашлари ҳам жойларда ўзининг ижобий аҳамиятини намоён қилган ҳолда бўлиб ўтди. Катта тажриба мактабига айланган Август кенгашларида педагоглар тажрибалар, янгиликлар билан ўзаро ўртоқлашиб, билмаганини билиб, билганини ўргатадилар.

Ўрганилган илғор тажрибалар амалий фаолиятда қанчалик қўл келганлиги муҳокама қилиниб, педагоглар ўртасида кенг ёйилади. Шунинг учун ҳам бу кенгаш ҳар бир ўқитувчи учун, тарбиячи учун ҳар йили ўзгача мактаб. Юнусобод тумани маорифчиларининг навбатдаги Август кенгаши ана шундай руҳда ўтди.

— Ҳозирги куннинг долзарб масаласи экологик тарбия, — дейди кенгаш иштирокчиси, 511-болалар боғчаси тарбиячиси Маҳмудахон. — Агар биз болани кичиклигидан табиатни севишга, ўсимлик ҳамда жониворларни эъзозлашга қадам қўяётган она заминни ўз мулкидек сақлашга ўргата олсак, жамиятга керакли кишиларни етказиб берган бўламиз.

Дарҳақиқат, ҳар бир ўқитувчи, тарбиячи шунга ўхшаш фойдали фикрларни ўртага ташласа, бугунги таълим-тарбия соҳасидаги баъзи муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиши турган гап.

Мафират ИКРОМОВА.

***

Фарғонада шаҳар халқ таълими ходимларининг вилоят миқёсидаги намунавий Август кенгаши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман халқ таълими мудирлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, ҳокимлик вакиллари қатнашдилар.

Кенгашда методик шўъба ишларининг ҳисоботлари тингланди, маърузада эса ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам санаб ўтилди.

Биз одатда оталиқ ташкилотларининг ҳимматини кўрсатиб ўрганиб қолганмиз. Ушбу анжуман сўнгида эса 2 та мактаб ўзининг бой ҳисобланган оталиқ ташкилотларига бир донадан янги чет эл телевизорини тортиқ қилди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

ТАРИХЧИЛАР ТАДБИРИ

Масъулиятли янги ўқув йили арафасида ўтган йилга якун ясаб, келгуси ишлар борасида келишиб олиш педагоглар учун анъанага айланиб қолган. Айни кунларда ҳам муаллимлар фан секцияларига йиғилишиб, ўзаро тажриба алмашиб, режа ва дастурлар, улардаги ўзгаришлар тўғрисида фикрлашиб олишмоқда. Ана шундай йиғинлардан бири яқинда Тошкентдаги Ўзбекистон давлат тарих музейида бўлиб ўтди. Унда пойтахт мактабларининг тарих фани ўқитувчилари иштирок этишди. Қатнашчилар анжуманда «Умумтаълим мактабларида рейтинг усулини қўллаш», «Инсон ва жамият», шунингдек, Ўрта Осиё мутафаккирлари асарларини ўрганиш каби мавзуларда илғор иш тажрибаларини ўрганишди.

ЎзА.

СУРАТДА: тарих муаллимлари ўзаро фикр алмашишяпти.

А. РИСКИЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЁРУҒЛИК

(Боши 1-бетда).

— Мен ўз касбим тақозоси билан узоқ-яқин вилоятларда кўп бўлганман. Шўро даврида бир расм бор эди: маориф бириккита мактабни машъал қилиб қўярди-ю келувчилар кўзига ўшани кўрсатиб, обрў оларди. Энди бу расм...

— Бу, айниқса, бугун катта хиёнат ҳисобланади. Яъни келажакка хиёнат, истиқлолга хиёнат! Туманимизда 43 та ўрта, 11 та тўққиз йиллик, учта бошланғич мактаб бор. Мен бу мактаблар ҳаётини, етар-етмасини кафтимда кўриб тургандек аниқ биламан. Йигирма уч миннга яқин бола, уч минг атрофида ўқитувчимиз бор. Барига тенг кўз билан қарашга интиламан. Агар бирови фаолроқ, яна бошқаси сустроқ бўлса, бунинг сабаби ўша жамоанинг ғайрати, шудли-ношудлигида...

— Гулсанам опа, халқда «Оққан дарё оқади» деган бир ҳикмат бор. Туманингиз дунёга Беруниийдек улкан алломани ҳаля этган жой. Ўқувчиларингиз қонида ҳам аждодлар ёди тирик, албатта. Бу билан, айтмоқчиманки, иқтидорли ўқувчиларга халқ таълими бўлимининг эътибори ҳақида ҳам бироз гапириб берсангиз...

— Биз туманимиздаги 44-ўрта мактаб базасида химия-биологияни чуқур ўргатадиган лицей очганмиз. Бу — бемақсад қилинган иш эмас. Орол денгизидаги ўзгаришлар бизнинг ҳудудимизда аниқ сезилади. Экологиямиз яхши эмас. Уни, аввало, шу тупроқ-қа туғилиб, яшаётганлар яхшилашга интилади. Чунки юрак дардини вужуд сезади-да! Шунинг учун бизга ўткир биологлар, кимёгарлар керак. Лицейимиздаги таълим -тарбиянинг сифати бизни қаноатланти-ради. Яна биз «Қизил қалъа» жамоа хўжалигидаги 10-мактаб базасида турли касбларга йўналтирилган ўқув комбинати ҳам ташкил қилдик.

— Узр, Гулсанам опа, гапингизни бўламан. Ишқилиб, ўқув комбинатига ўқишга хуши йўқ болаларни йиғмайсизларми?

— Асло. Биз ҳатто журналистика соҳаси бўйича ҳам бўлим очишга тайёрланаяпмиз. Комбинатга мавжуд касбларга чинакам иқтидори бор болалар сараланиб олинади. Мактабларимизни компьютерлар билан бойитишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Шу йил китоб фондимизни бойитишнинг ўзига уч миллион сўм сарфладик.

— Маълумки, таълим-тарбия жараёнининг меҳвари - муаллим. Ўқитувчиларга туман халқ таълими бўлими қай тарзда суянчиқ бўлмоқда?

— Мактабларимизда маиший хизмат нуқталари ташкил этганмиз — сартарошхона, тикув цехларимиз бор. Бу йил ёзги таътилда касаба уюшмаси ҳисобидан 34 нафар муаллимнинг туманимиздаги санаторий-профилкаторийда дам олишларини ташкил қилдик. Ўқитувчиларимизнинг бўғдоларини тегирмондан чиқариб беришни ташкил қиламиз. Мактабларда ёрдамчи хўжаликлар мавжуд. Ишқилиб, имкон қадар, муаллимлар қийналмасин, деймиз-да.

— Гулсанам опа, «Маърифат» газетаси катта минбар. Тилингизнинг учига келиб турган гап бўлса, айтсангиз...

— Биласиз, биз боғчаларга ҳам масъулмиз. Боғчаларимизда ҳам ислоҳотлар кетаяпти, мактаб-боғча алоқаларини йўлга қўймоқдамиз. Боғчаданоқ хорижий тиллар ўргатилишига ҳаракат қилаяпмиз. Аммо баъзи қишлоқларимиздаги боғчалар қаётидан кўнглимиз тўлмайди. Уларни жамоа хўжаликлари таъминлаши керак. Ҳар доим ҳам эплай олишмайди. Мен эса қишлоқ боласи ҳам хорижий тилни ўргансин, дейман, қишлоқ боғчаси ҳам замондан ортда қолмасин, дейман. Албатта, туман ҳокимиятида ҳам бу ҳақда ўйлашаяпти. Менинг сабрим чидамаяпти, тезроқ йўл топиш керак, ислоҳотлар қишлоқ боласининг ҳам юрагидан ўтиши шарт.

— Муаллимларга байрам табригингиз, тилагингиз...

— Бизнинг хизматларимиздарров юзага чиқмайди. Бугунги меҳнат ҳосиласини эҳтимол, ўн йиллаб кутармиз. Уларга ирода тилайман. Уйида, кўнглида, руҳиятида байрам қувончлари сўнмасин.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА суҳбатлашди.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Маълумки, ушбу ўқув йилидан бошлаб Республикамиздаги барча умумтаълим мактабларининг биринчи синфлари ва мактабгача тарбия муассасаларида таълим лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида олиб борилади. Кейинги ўқув йилларидан эса босқичма-босқич ўрта умумтаълим мактабларининг бошқа синфлари, шунингдек, турли таълим муассасаларининг ўқувчилари лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида таълим олишга ўтадилар. Бу жараён 2004 — 2005 ўқув йилида ниҳоясига етади.

Республикамизда 1996—1997 ўқув йилида ўзбек тилида таълим олиб бориладиган 25,000 га яқин биринчи синфлар очилди, 8908 та мактабгача таълим-тарбия муассасалари ишлаб турибди. Мактабгача тарбия муассасалари учун 4 ном ва турда, биринчи синфлар учун эса 8 номда энг зарур қўлланмалар, дарсликлар, дидактик материаллар яратилди ва жойларга тарқатилди. Вилоятлар, туманлар Халқ таълими бошқарма ва бўлимларининг 14 малака ошириш институтлари: факультетлар ва курслар билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ Республикамиздаги 100729 бошланғич синф ўқитувчиларидан 57819 ўқитувчи, мактабгача тарбия муассасалари мактабга тайёрлов гуруҳларининг тарбиячилари лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўргатиш курсларидан ўтказилди. Республикамиздаги педагогик кадрлар тайёрлайдиган 6 педагогика институтлари ва 33 педагогика билим юртларида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўргатишга алоҳида эътибор қаратилиб, барча мутахассис талабалари 60 соатга мўлжалланган умумий курсни ўтдилар. Бу ўқув юртларининг «Бошланғич таълим услубиёти», «Мактабгача тарбия» ва «Ўзбек тили ва адабиёти» мутахассисликларида эса лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси чуқур ўргатилиб, жами 2711 битирувчи бу фандан қўшимча давлат имтиҳонлари топширдилар.

Баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган иккинчи янгилик, мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиларини тайёрлашнинг мазмунини тубдан ўзгартиришга киришилиши бўлди. Янги ўқув йилидан бошлаб бундай мутахассислар тайёрлайдиган ихтисосликларда янги — мактабгача тарбия муассасаларида уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) таълим олиб борувчи мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган ўқув режалар бўйича ўқиш олиб борилади. Бу борада Халқ таълими вазирлиги Ҳайъати махсус қарор қабул қилганлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Келажагимиз бўлган ёшларимиз онгига бозор иқтисодига асосланган янги иқтисодий тафаккурни сингдириш ва уларни шу асосда тарбиялаш таълим тизими олдида турган энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолади. 1996—1997 ўқув йилидан бошлаб ўрта умумтаълим мактабларининг 9, 10, 11-синфларида асосий фан сифатида «Иқтисодий билим асослари» ўқитила бошланади. Айтиш керакки, бу йўналишдаги тайёргарлик ишлари анча илгари бошланган. 1993 йилда Халқ таълими вазирлиги «Узбекистон Республикаси мактабларида иқтисодий таълим ва тарбиянинг намунавий дастури, тахминий режалари»ни қабул қилди. 1996 йил бошида эса вазирлик Ҳайъати қарори билан «Узлуксиз иқтисодий таълим дастури» тасдиқланди. Иқтисодиётдан таълимнинг турли босқичларига мўлжалланган янги дастур, қўлланма ва дарсликлар тайёрланди ва чоп этилди.

«Иқтисодий билим асослари»дан дарс берадиган педагогик кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилди. Жумладан, педагогика ва Марказий малака ошириш институтларида олий педагогик маълумотга эга бўлган мутахассисларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда «Иқтисодий билимлар ва тадбиркорлик асослари» ўқитувчиси иккинчи мутахассисликка ўқитиш 3 ойлик бепул курслари ташкил қилинди. 1995/96 ўқув йили давомида бундай курсларни 500 га яқин тингловчи битириб қўлларига ҳар қандай таълим муассасаларида «Иқтисодий билимлар ва тадбиркорлик асослари»дан дарс бериш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олишди. Бу курслар келгуси ўқув йилларида ҳам давом этади. Шунингдек, педагогика институтларининг айрим ихтисосликлари битируволди курсларига қўшимча мутахассислик сифатида «Иқтисодий билимлар ва тадбиркорлик асослари» мутахассислиги 1995/96 ўқув йилдан киритилди. Хозирги кунда бундай қўшимча мутахассисликка ўқиётганларнинг сони 250 дан ортиқ.

1996—1997 ўқув йилидан бошлаб барча педагогика институтларининг «Тарих», «География», «Математика», «Меҳнат» мутахассисликларига «Иқтисодий билим асослари» қўшимча мутахассислик қилиб киритилиб, биринчи курсга қабул амалга оширилди. Шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университети; Андижон, Наманган, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтлари; Тошкент молия институти ҳамда иқтисод факультетлари ёки бўлимлари мавжуд бўлган университетлар 1996 йил сентябрдан бошлаб бошқа институтларнинг 1-2 курсларини муваффақиятли тамомлаб хоҳиш билдирганларнинг ўқишларини узларининг 2 ёки 3-курсларига кўчириб «Педагог-иқтисодчи», «Иқтисодий информатик» педагогик мутахассисликлар бўйича ўқишни давом эттиришга киришадилар.

М. ЯҲЁЕВ,
Халқ таълими вазирлигининг педагогик таълим ва фан Бош бошқармасининг бошлиғи.

Шукрона

«ОМОН БЎЛСАМ, УНУТМАЙМАН!»

Бу Олтиной Қўшимбетова сўзи. У Хужайли шаҳридаги 10-ўрта мактаб ўқувчиларига фаранг тилидан сабоқ беради. Биринчи тоифали ўқитувчи. 1989 йили Тошкент давлат чет тиллари институтини битирган.

— Олтиной, сизда фаранг тилига қизиқиш қачон пайдо бўлган?

— Ўқувчилик давримдаёқ. Муаллимларим — Хўжабой Юсупов, Дармон Эшжоновалар ўз сабоқлари билан мени сеҳрлаб қўйишган. Шу-шу юрсам-турсам-да фаранг тили бўйича мутахассис бўлишни орзу қилиб қолдим. Меҳрибон муаллимларим кўмак беришди.

— Шу мутахассисликни танлаганингизга афсусланган пайтингиз ҳам бўлганми?

— Мен-ку афсусланганмана, бироқ баъзи бир қариндошларим «ўрис тили бўйича ўқимапсан» деб қойишган пайтлар ҳам бўлган. Бунинг сабаблари маълум, албатта. Собиқ «қизил империя» даврида рус тилига бўлган эътибор кучли эди. Ўқув дастурларида энг кўп соат ана шу тилни ўрганишга ажратилган, энг «ёғли» маошни шу забон бўйича мутахассислар олишарди. Яратганга минг қатла шукрки, Мустақиллик қуёши порлаб, барчамизнинг елкамизга офтоб тегди.

— Олтиной, юртимиз Мустақиллиги шаҳсан сизнинг ҳаётингизда қандай бурилиш ясади?

— Очиғи, Мустақиллик ҳақида сўз очилса, бутун вужудимда бир тўлқинланиш, ҳаяжон сезаман. Чунки бу қутлуғ сўз мендек оддий ўқитувчининг ҳаётида, меҳнат фаолиятида ёрқин из қолдирмоқда. 1993 йил 15 октябрь куни мактабимизга Франция Республикаси элчихонасининг бир неча вакиллари ташриф буюришиб, шаҳсан менинг дарсимга киришди. Иш фаолиятим уларда яхши таассурот уйғотди, шекилли, шундан сўнг мактабимизга Франциядан фаранг тили бўйича турли қўлланмалар, дарсликлар ва кўргазмали қуроллар келди. Янада руҳланиб иш бошладим. Ўйлайманки, бунинг барчаси Мустақиллик шарофатидан. Омон бўлсам, бу муборак санани унутмайман, бор кўчимни, билимимни қўллаб, Мустақилликни мустаҳкамлаш учун хизмат қиламан. Дарвоқе, менинг тўнғич ўғлим — Сафарбой ҳам жонажон республикамиз ўз Мустақиллигини эълон қилган куни туғилган. Уни Мустақиллик фарзанди, деб атагим келади. Худо хоҳласа, Сафарбойни ҳам Ватаннинг чин ўғлони қилиб тарбиялаб, элу юрт хизматига қўяман...

Суҳбатдош Ғойиб ЁҚУБОВ,
«Маърифат» мухбири.

ХИЁБОНДАГИ САБОҚ

Бугун мамлакатимизнинг барча мактабларида ҳам шодиёналар давом этмоқда. Одатга кўра, билим масканларида илк сабоқлар Мустақиллик дарслари билан бошланди. Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги 216-мактабнинг тарих ўқитувчиси Мавжуда Воҳидова ўзининг илк дарсини пойтахтнинг марказий Амир Темур хиёбонида ўтказди. Азиз муштарий, кўтаринки руҳда ўтган ушбу Мустақиллик дарсидан Сиз ҳам бир парча тинглаб кўринг-а!

УҚИТУВЧИ. Азиз ўқувчилар, бугунги дарсимиз ўзгача дарсдир. Мана, 5 йилдирки, сиз билан биз ҳар йили 1 сентябрь — Билимлар кунида 1-дарсимизни Мустақиллик дарси билан бошлаймиз. Бу йил қўлга киритилган «Истиқлол» деб аталмиш улуғ неъматимизга 5 йил бўлди. Халқимиз, жамики дўстларимиз бу кунни улуғ байрам деб нишонламоқдалар. Биз ҳам ана шу байрам шарофати билан бу ерга келдик. Байрам шодиёналарини кўриб, халқимизнинг руҳиятидаги ўзгаришлардан тангри бизга нақадар улуғ неъмат ато этганлигини яна бир карра ҳис қилдик. Ватанимиз — Ўзбекистон Мустақиллигининг 5 йиллигини иқтисодий, сиёсий, маданий жабҳаларда муносиб ютуқлар билан кутиб олмоқда.

Келинг азиз ўқувчилар, Ватан, Мустақиллик, маънавият ҳақида ўз фикрларимиз билан баҳсимизни бошласак.

1-ўқувчи. Ватан... Бу қандай сеҳрли масканки, уни деб халқлар қўлига қурол олади. Унинг қандай жозибаси борки, эгалари бегоналарга бергиси келмайди? Унинг қанақа қуввати борки, ҳимоясига халқлар жонларини тикадилар.

2-ўқувчи. Ватан дегани нима ўзи? Менимча, Ватан — кенг ва кўп миқёсли тушунча. Ватан остонадан бошланади дейдилар. Ватан — сен яшайдиган уй, ота-онанг, ака-уканг, опа-сингилларинг, ҳовлидаги дарахтлар, Ватан — катта-кичик тўйга келадиган, мачитларидан азон эшитилиб турадиган қадрдон маҳалланг. Ватан — ана шундай юзлаб, минглаб файзли маҳаллалар жам бўлган туманинг, шаҳринг, вилоятинг. Ватан — тупроғидан олтин унувчи, тоғларининг боши кўкка етувчи, боғ-бўстонга тўла жаннатмакон Ўзбекистон. Ватан — биз яшаб турган курраи замин.

3-ўқувчи. Мустақиллик, Истиқлол шундай неъматларданки, мазлум миллатларнинг эслик фарзандлари шу саодатлар учун умрларини тикиб курашадилар, кундузлари тин, кечалари ором билмайдилар.

4-ўқувчи. Ҳар бир халқ ўзининг ибтидоий давридан бошлаб мустақил яшашга ҳаракат қилади. «Мозийга қайтиб иш қуриш ҳайрли» дейдилар. Бугун, Истиқлол ўзбек халқи ҳаётида бамисли тарихий бурилиш ясаб, аждодларимизнинг юрагида тугун бўлиб келган асрий орзуси юзага чиққан кунда, Ватан озодлиги учун курашган ватандошларимизни эслаб, хотирламоқ ҳам хайрли, ҳам савоблидир...

ЯКУНИЙ СЎЗ.

Чўққига кўтарилган одам бир нафас орқага қарайди. Бу баландликка кўтарилгунча қанча суқмоқлардан, қандай пасту баландликлардан, қанча дарёю сойлардан ўтганини кўради. Азиз ўқувчилар, Мустақиллик деб аталмиш бу баландликдан туриб, биз ҳам орқага бир назар ташладик. Олдинда ҳали қанча довонлар, чўққилар бор. Бу чўққилар бизни қуёш йўлига олиб чиқишига иймонимиз комилдир. Ҳали олдинда қанча нурли тонглар бор. Истиқлол тонглари нақадар сеҳрли, умидли, ишончли! Уни олқишлайлик. Ҳар тонг олдидан ҳовучимизни қутлуғ дуоларга очиб, айтайликки: «Омон бўл, она юртим! Йўлинг бехатар, баётинг безавол, умринг боқий бўлсин Истиқлол!»

«КАТТА БЎЛСАМ КОРХОНА ОЧАМАН»

1993 йил Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг 1400 нафар ўқувчилари бир йил давомида АҚШ мактабларининг юқори синфларида таҳсил олиб, америкаликлар оиласида яшадилар.

Украинанинг Луганск шаҳридан бўлган Денис Игин бу ўқиш унинг дунёқарашини кенгайтириб юборганини гапириб берди: «Луганскда яшар эканман, тўғриси бирор жиддий ишни амалга ошира оламан деб ўйламасдим. Америкада бўлгач, менда ўзимга ишонч тўғилди. Мендаги ўзгаришни дўстларим ҳам, ота-онам ҳам пайқашди. Мен оз бўлса-да американлашдим, Америка қадриятларининг бир қисми келажак учун қураш ҳамда имкониятларни топа билишдан иборат. Шаҳримга қайтиб келгач, бу ерда ҳам катта имкониятлар борлигини кўрдим».

Игин АҚШ Ахборот агентлиги ташкил этган «Ўқув йили» дастури асосида бўлиб ўтган, 32 давлат вакиллари қатнашган форумдаги иштироки ҳақида гапириб берди.

Бу гуруҳга Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Молдавиядан 1 тадан, Туркманистондан 2 та, Узбекистон ҳамда Белоруссиядан 3 тадан, Украинадан 7 та ва Россиядан 14 та вакил киради. Улар 1993-94 ёки 1994-95 ўқув йилларини Америка мактабларининг юқори синфларида ўтказдилар. Мактаблар турли ерларда — Бостондан тортиб (Гарвард университети жойлашган Массачусетс штати) 800 кишилик Амор шаҳарларида жойлашган эди. Барча қатнашчилар ватанларига қайтишгач ўрта мактабни тугатдилар ёки университетга ўқишга кирдилар. 1996 йил ёзда улар янги қатнашувчиларга ёрдам бериш учун яна АҚШга келдилар. Янги гуруҳ 1996-97 ўқув йилини Америка мактабларида ўтказади. Шу пайтгача дастур асосида МДҲнинг 4280 ўқувчиси АҚШда таҳсил олдилар. 1996 йил бу кўрсаткичга яна 1180 киши қўшилди.

Ўқувчиларни мактабларга бўлиб чиқиш Нью-Йорк штатидаги Пост — коллежда бўлиб ўтади. Уларнинг баъзилари инглиз тили курсларида тайёргарликдан ўтсалар-да, барчалари бу тилда бемалол гаплаша оладилар.

«Ўқув йили «дастури» МДҲнинг ўқитувчи ва ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, озодликни қўллаб-қувватлаш Қонуни асосида таъминланувчи «Урта мактаб имкониятлари»га кирувчи 3 та дастурдан биридир. Дастур Нью-Жерси штатилик сенатор Билл Бредли ташаббуси билан тузилгандир. Б. Бредли ёшлардаги яратучилик кучига ёрдам бериш керак деб ҳисоблайди.

1993-95 йилларда АҚШ ахборот агентлиги томонидан ўтказилувчи Бредли дастурида МДҲ ҳамда АҚШ дан 21000 нафар вакиллар иштирок этдилар. Улар мақсадга қараб 8 ҳафтадан то бир йил давомида АҚШда тажрибаларини оширадилар. Яқинда тажриба ўрганган 33 та вакил дастурнинг аҳамияти ҳақида гапириб бериш учун Вашингтонга келдилар.

«Менинг ҳаётимда катта бурилишлар рўй берди», — дейди Чарлстонда ўқиган украиналик Эрик Полехин, — мен бир йил ичида меҳнатсевар ва оптимист кишига айландим. Ҳозир Киевдаги Халқаро хрестиан университетида ўқияпман. Агар ана шу дастур бўлмаганида бу ерда ўқийман деб ўйламасдим.»

Қатнашувчиларнинг барчаси ўз юртларига катта мақсадлар билан қайтганликларини айтадилар. Улар корхоналар ташкил этиш, ўз давлатларининг иқтисодий ва сиёсий тараққиётига ҳисса қўшиш, турли маданият кишиларига дарс бериш, хуллас, орзуларини амалга оширишни истайдилар.

Қирғизистонлик Миргул Ўмурзоқова ватанига қайтгач анча вақт изланди ва товуқчилик саноатини ташкил этишга киришди. Қозоғистонлик Дилёр Муқатова аввалига полеонтолог бўлмоқчи эди, лекин АҚШ да ўқигач, халқаро муносабатларни ўрганиб, дипломат бўлишга қарор қилди. Россиялик Марина Макрушина эса ўзи ишлаган Нью-Хемпширдагидек уйсизлар учун ётоқхона очиш ниятида.

«Мен янги иқтисодиётнинг моделини тузмоқчиман, — дейди Денис Игин, — бу давлатим учун фойдали булади деб ўйлайман. Чунки бу ерда ҳали ҳақиқий капиталистик иқтисодиёт йўқ. Бу билан давлатимга фойда келтираман».

АҚШ ахборот агентлигининг маданият ва таълим буйича бошлиги ўринбосари Жек Лойелло қатнашувчиларнинг кўпчилиги иқтисодиётни ўрганаётганликларини қайд этди. Дастурнинг мақсади давлатлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш бўлса ҳам, президент Билл Клинтон бир йил олдин Москва давлат университети талабаларига қилган мурожаатида мақсад Россия ва МДҲ да демократия ҳамда бозор иқтисодиёти институтларини ташкил этишдан ҳам иборатлигини айтиб ўтган эди.

Президент ўқувчиларнинг ўз ватанларидан АҚШга келиб ўқиш ҳамда бошқа оилаларда яшашларига катта баҳо берди. Бу америкаликларнинг ўз институтларига ва ўқувчиларнинг ўз давлатларига етказаётган фойдалари дастурнинг нуфузини ошираётганини қайд этди.

Ахборот агентлигининг ходими Роберт Персико талабалардан АҚШ бу дастурдан қандай фойда кўрганлигини сураганида, украиналик Марика Коптельцова жанубий Докотадаги оиланинг «дунёдаги ўзгаришлар билан қизиқиб қолгани ва энди халқаро хабарларни эшитиб бораётганликларини айтди.

Россиялик Мария Санькованинг айтишича, у яшаган оилада 9 ёшли Луизиана деган қизча мактабда «Менинг Россияда опам бор» дер экан.

«Қайтиб келганимда иқтисодиёт пароканда деб ўйлар эдим. Лекин ҳамма нарса бутунлай бошқача экан: янги-янги магазинлар, корхоналар қурилаётган эди, ота-онам ҳам яхшироқ яшаётган эканлар. Ҳақиқатан кўп нарса ўзгараётган эди». Россиялик Дмитрий Плюшев АҚШда бўлгач, ўз маданиятини кучлироқ қадрлай бошлади. Унинг айтишича, у бир йил ўзга қадриятлар ичида яшагани сабабли миллий маданияти ҳамда турмуш тарзига кўпроқ эътибор бера бошлаган.

Энг умидли сўзлар ўзбекистонлик Сардор Алиев (Олмалиқ шаҳрида) томонидан айтилди десак муболаға бўлмайди: «Узбекистонга қайтгач, мен бу ерда катта имкониятларни кўрдим. Ҳали ўз корхонамни очиш учун жуда ёшман, фақат шунга афсус қиламан. Биз дунёга юз очдик, давлатимизга кўплаб инвестициялар оқиб келмоқда. Шунинг учун фойда олиш йўлида кенг имкониятлар мавжуд, улардан фойдалана олсак бас».

UZINFO маркази.

Мактабгача тарбия муассасаларида

Боланинг эртаси учун улуғворликнинг фойдаси катта. Агар бола гўдаклигиданоқ бу хислатга астойдил эргашса, албатта буюк бўлади. Амир Темур бобомизни эса қайси бола яхши кўрмайди дейсиз. Беихтиёр кучага чиқиб қолиб бир тўда катта-кичик болаларнинг ўзларича турли жанговор ҳаракатларни астойдил бажараётганини кўрган киши, шубҳасиз тўлқинланиб кетади. Республикамизда эса, соҳибқирон таваллуд топган куннинг 660 йиллиги шунчаки номигагина нишонланмаётгани ҳаммамизга аён. Боғча, мактаб, олий ўқув юртларидаги турли мунозарали тадбирлар, машғулотлар, ташаббускор ҳаркатларнинг ҳаммаси бунга аниқ далилдир. Шу жумладан, Юнусобод туманидаги «Қўнғироқча» болалар боғчасида ҳам Амир Темур дарси ташкил этилди. Дарс давомида болажонлар соҳибқирон ҳаёти, фаолиятини қизиқиб ўрганишмоқда.

Суратда: боғча опалари болажонларга Амир Темур ҳақида ҳикоя қилаяпти.

А. МАМАДАМИНОВ олган сурат.

ЭРТАНИ ЎЙЛАБ...

Бугунги кунда халқ таълими олдида ўзлигини англайдиган, миллатни жаҳонга танита оладиган шахсни тарбиялаш вазифаси турибди. Демак, болаларимизга миллатимиз руҳига мос, теран, шарқона тарбия бериш ҳозирги давр талабидир.

Ўзи яшаб турган мамлакат маданиятини, тилини билмай туриб, атрофидаги бошқа миллат кишиларига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш мумкин эмас ва ҳар қандай таълим-тарбия ишлари болаларнинг мактабгача ёшидан бошланса, яхши натижа бериши ҳаммамизга маълум.

Шундан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия рус тилида олиб бориладиган мактабгача тарбия муассасалари учун «Болалар боғчасида тарбия ва таълим дастури» («Программа воспитания и обучения в детском саду») қайта ишланиб, тўлдирилди ва чоп этилди.

Дастурда болалар қалбида ўзбек миллатига муҳаббат ва ҳурмат туйғуларини таркиб топтириш, миллий ғурурни тарбиялаш каби масалалар алоҳида ўрин эгаллаган. Унда асосий ғоя русийзабон болаларини миллийлик руҳида тарбиялаш, яъни «Мактабгача тарбия йўриқномаси» мазмунида ёритилган мезонда кўрсатилганидек, «билагон» бола эмас, балки «уйғун» бола тарбиялаш лозимлигига қаратилгандир.

Дастур таълим-тарбия рус тилида олиб борилувчи мактабгача тарбия муассасаларига мос, республикамизнинг ўзига хос, иқлимий-табиий, иқтисодий, маданий, миллий урф-одатларини ҳисобга олинган ҳолда тузилган. Жумладан, ҳужжат мундарижаси ўзбек ёзувчи ва мусаввирларининг янги асарлари билан тўлдирилган. Бундан ташқари бу дастурга болаларни тарихий ёдгорликлар ва буюк алломалар (А. Навоий, З. Бобур), саркардалар (А. Темур) билан таништириш масалалари ҳам алоҳида аҳамият касб этган.

Демак, эндиги асосий вазифа амалиётчиларнинг мазкур дастур мазмунини болаларга қандай етказишидир.

Г. МУСУЛМОНҚУЛОВА.

Суҳбатдошлар Восил ҚОБУЛОВ — физика-математика фанлари доктори, академик, Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ — фалсафа фанлари доктори, профессор.

Икковлари урушдан аввал САГУ (ҳозирги ТошДУ) физика-математика факультетида ўқишган, урушга кетишган, сўнг яна илм билан шуғулланишган. Халқаро илмий конгрессда биргаликда маъруза қилишган. Уларнинг илмий қизиқишлари ҳар хил, гоҳо бу қизиқишлар туташиб қолади. Бунга мисол қуйидаги жонли мулоқотдир. (Дарвоқе улар бу йил 75 ёшга тўлишяпти. Қутлаймиз!)

Восил ҚОБУЛОВ (В. Қ.) — Дўстим, мана 58 йил бўлибди, ўша физматда ўқиганимизга ва астрономия обсерваториясида ишлаганимизга.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ (О. Ф.): — Ўша обсерваторияда Фиёс Умаров, Маҳмуд Хўжаев, Сен ва мен ишлаб юрганимизда, ичимизда битта Сен астроном студент эдинг. Шунисини ҳам эслаб ўтайлик, бир вақтнинг ўзида САГУ физматининг ҳам астрономия, ҳам геофизика бўлимларида ўқир эдинг. Иккаловида ҳам Сен аълога ўқигансан. Астрономия бўлими биринчи марта 1938 йилли очилганида Сен биринчи ва яккаю ягона студент эдинг, уруш бошлангунича физмат студентлари орасида яккаю ягона астроном эдинг. «Циркуляр Ташкентской астрономической обсерватории» илмий журналининг 1940 йил сонида Сенинг биринчи мақоланг ҳам нашр этилган эди. Замон Сени юлдузлар оламидан уруш оловига ташлаб юборди. Урушдан қайтгач, темир йўл кўпригини қурувчи инженер бўлиб чиқдинг. 1949 йилда обсерватория директори академик Б. П. Шчеглов «Қобулов темир йўл инженери бўлса ҳам қуёш физикаси мутахассислиги бўйича аспирантурага олар эдим», деганди. Сен бормадинг. Мени ҳануз қизиқтириб келади: нега осмон манзарасини, коинот тузилишини кўприк конструкциясига алмаштириб юбординг?

В. Қ.: — Хўп, мен саволингга жавоб қилай. Лекин, аввал ўзинг айтчи, сен студентлик вақтингда механика бўлимида ўқиб коинот ҳақида мақолалар ёзиб юрар эдинг, қандай қилиб файласуф бўлиб қолдинг?

О. Ф.: — Мен астрономик коинотдан фалсафий коинотга, механикавий ҳаракатдан диалектикавий ҳаракатга ўтдим, холос.

В. Қ.: — Эсингда бўлса керак, 1941 йил кузида САГУ физика-математика факультетининг юқори курс студентларидан бир нечтасини армияга чақириб, олдин метериологик кузатувчи, кейин метеоролог қилиб тайёрладилар. Ҳарбий авиация қисмларида хизмат қилдим. Шундан кейин ўз талабим билан фронтга кетдим. Буни ўша вақтда «патриотизм» деб атар эдилар...

1945 йилда Тошкентга қайтганимда, ўқиш деган нарса хаёлимда йўқ эди. Ишлаш учун Тошкент темир йўл транспорти институти электротехника кафедрасига бордим. Лаборант вазифасида ишлаб юрганимда кунлардан бир кун қурилиш факультети декани муовини Ҳамза Бакирович менга айтиб қолди: «Сиз САГУнинг 4-курсидан армияга кетган экансиз, имтиҳон дафтарингизни олиб келинг, ўқишга ҳам жойлаб қўяйлик».

Шундай қилиб лаборант айни вақтда биринчи курс студенти ҳам бўлиб қолди. Кейин, айтганингдек, кўприк ҳақида диплом ёзиб, 1949 йилда олий ўқув юртини битирдим. Шу орада Чоржўй—Қўнғирот темир йўл қурилишида ҳам ишлаб келдим. Ниҳоят 1950 йили Муҳаммад Тошевич Ўрозбоевга аспирант бўлиб, механика билан мушғул бўлдим. 1956 йили М. Т. Ўрозбоев менга ҳисоблаш машиналарида ишлашни ташкил қилишни буюрдилар ва шу билан кибернетика деган янги соҳада ишлашга тўғри келди. Мана, қисқача тарих, лекин булар бир бутун ҳаёт эди. Энди механика соҳаларига ўтсак, бўлар, деб ўйлайман.

О.Ф.: — Қара, мана шу йўлнинг ўзи «Тақдир алгортитми» эмасми?

В. Қ.: — Тўғри, тақдир алгоритми, лекин олдиндан программалаштирилмаган.

О. Ф.: — Сен ҳам, мен ҳам назарий механикадан дарс берганмиз. Ярим аср давомида ҳосил бўлган бир сиримни очмоқчиман сенга. Механика курси, асосан уч бўлимга: статика, кинематика, динамиқага бўлинади. Одатда техника билим юртларида ҳар бир бўлим бир семестр ўтилади. Гап шундаки, мен — уларни ҳар хил кўраман. Энг яхши кўрадиганим динамика. Энг мундароғи статика. Динамикадаги мавзулар ичида яхши кўрганим динамик моментнинг сақланиш қонуни.

В. Қ.: — Механикада бошқа сақланиш қонунлари ҳам бор-ку. Масалан, импульснинг сақланиш қонуни, энергиянинг сақланиш қонуни. Сен яхши кўрган сақланиш қонуни айланма ҳаракат қилиш учун-ку, лекин илгариланма ҳаракатсиз диалектик табиати йўқолади-ку?

О. Ф.: — Гапинг тўғри. Умуман, ҳар бир ҳаракат зиддий бўлганидан, механикадаги ҳар бир ҳаракат тўғри чизиқли ва айланма ҳаракатлардан ташкил бўлиши билан, бу қисмларнинг ҳар бири, ўз навбатида, зиддийдир. таъсир этаётган фаол кучга қарши инерция кучи ҳосил бўлади.

В. Қ.: — Ўзгармас тезликни тўғри чизиқли ҳаракатда инерция кучи бўлмайди.

О. Ф.: — Тўғри. Лекин бу — абстракция, аслида табиатда бундай ҳаракат чексиз эмас, балки жузъий жисмнинг боши ва охири бор ҳаракати учун. Ваҳоланки бу ҳолда ҳам ҳаракат боши ва охирида тезланиш бўлади. Қара, Сен айтган диалектика қоидалари туфайли динамика қонунлари кашф этилган. Билиш назариясида муҳим ўринни эгаллаган индукция ва дедукция билиш усуллари бунга яққол далилдир.

Аристотель, Зенон, Форобий, Ибн Сино, Улуғбек, Леонардо-да-Винчилар механик ҳаракатларни билиб олишга ўзларининг жуда катта ҳиссаларини қўшганлар. Лекни уларнинг мулоҳазалари ҳаргал хусусий ҳол бўлиб, бир илмий фикр тугунига ўралган экас эди. Бундай тугунни яраттан, яъни ҳар хил хусусий ҳолларни жамлаб, бир мантиқий фикрни айтган олим Ньютон бўлади. У икки минг йиллик илмий кузатишлар, астрономик жадваллар, иншоотлар қурилиши тажрибасидан бир хулоса чиқарди: жисм куч таъсирида тезланиш билан ҳаракат қилади, унинг миқдори кучнинг массага нисбатига тенг, йўналиши эса куч йўналишида бўлади. Динамиканинг бу асосий қонунидан Лагранж, Эйлер, Даламбер, Лаплас ва бошқа математиклар у вектор-тенгламанинг икки томонини ҳар хил скаляр ва вектор миқдорларга кўпайтириб, Сен айтган ўша динамиканинг учта асосий қонунини келтириб чиқариш мумкин. Сен айтганингдек, уччаласи ҳам табиатни ушлаб турган буюк қонунлар. Масалан, системага ташқи куч таъсир этмаганда қуйидаги ҳоллар ҳосил бўлади:

1) Ер йўлдоши учирилса, Ер йўлдош ҳаракатига тескари ҳаракат қила бошлайди, тўғрироғи: йўлдош Шарққа учирилгани учун Ер ўз ўқи атрофида Шарққа ҳаракати тезлиги камаяди. Йўлдош ўз ҳаракатини тамомлаб ерга тушса, Ер ўзининг эски тезлигини тиклаб олади;

2) мушукни осмонга маълум бурчак тезлиги билан айлантириб итқитсанг, у тегишли тескари тезликни инстинктив равишда яратиб, албатта, оёғи билан тушади;

3) қуёш системаси пайдо бўла бошлаганида кинетик моменти умумий бўлса, абадий шундай сақланади.

В. Қ.: — Агар Қуёш системасига бошқа куч таъсир этмаса!

О. Ф.: — Тўғри, астероидлар таъсирини ҳисобга олмасак ҳам.

В. Қ.: — Қуёш системасининг у сақланиши билан ривожланишини қандай тушунасан?

О. Ф.: — Бир томондан сақланмаса нима ўзгаради, иккинчидан, сақланиб қолган сайёрада ҳаёт пайдо бўлиб, ривож топган.

В. Қ.: — Ҳар бир система юқорироқ системанинг бир қисми бўлиб қолиши мумкин. Кибернетик системалар ҳам шундай.

О. Ф.: — У ҳолда, бутун галактикамизни икки қисмга бўламиз: 1) Қуёш системаси; 2) қолган барча жисмлар (юлдузлар ва ҳоказо). Бу бир диалектик системанинг икки зиддий кинетик моменти бор десак, Қуёш системаси кинетик моменти (3.1048 миқдор) галактикага «тиралиб» туради, галактиканинг шунга тескари кинетик моменти эса Қуёш системаси ушлаб туради деган мулоҳаза келиб чиқади.

В. Қ.: — Унда, бир зумга галактикани йўқ, деб фараз қилсанг, Қуёш системасида айланма ҳаракат йўқолади-ку?

О. Ф.: — Бу фикрнинг эътиборга сазовор. Ўйлаб кўриш керак.

В. Қ.: — Ахир, қуёш кинетик моменти қаёққа йўқолади?

О. Ф.: — Менимча, у йўқолмасдан бошқа жисмларга узатилса керак. Худди шу принцип асосида ҳозирги замон космогоник гипотезалари ишламоқда. Чунончи, ўтган замонларда пайдо бўлган Кант, Лаплас, Жинс, Мультон гипотезаларини 1942 йилда астроном Н. Н. Парийский, мана шу Қуёш системаси кинетик моменти Ернинг пайдо бўлишидан олдин ҳам ва ҳануз бир хилда сақланиб қолаётганлиги ғоясига таққослаб, у гипотезаларнинг ҳаммасини чиппакка чиқарди. Шу омилга суяниб О. Ю. Шмидт, В. Г. Фесенков ва бошқалар янги фаразларни ўйлаб чиқаришди.

В. Қ.: — Одатда, математик назариялар ёки техника фанларидаги математик формулаларнинг тўғри, ҳақиқат эканлиги амалиётда аниқланади. Янги формулаларнинг чиниққан, ҳақиқий эски формула орқали ҳақ-ноҳақлигини билиб олиш мумкинлигига яққол мисол бу. Ўша кинетик момент, яъни инерция моменти билан айланма тезлик қўпайтмаси техникадаги автопилот ва бошқа бошқаришда ҳам муҳим роль ўйнайди.

О. Ф.: — Табиатнинг ўзида ҳам. Гап шундаки, гелиоцентризмнинг илмий асосчиси Коперник, инерция қонунини кашф этганлар Галилей ва Ньютон (XVI-XVII асрлар)дир. Тарихан бу уччала олимдан 6-7 аср илгариёқ Беруний билдирган бир фикри ниҳоятда эътиборга сазовордир. Беруний — геоцентризм ҳукм сурган даврнинг одами ва олими. У баландликдан тошни тушириб юборсангиз, тикка эмас, сал шарқроққа силжиб тушади, деб фараз қилган эди. Бу эса аслида Ер ўз ўқи атрофида айланади, деган сўз. Бу фикрни — 1) геоцентризмдан гелиоцентризмга ўтишнинг илмий кўприги дейилса бўлади; 2) вертикал чизиқнинг юқорисидаги нуқтанинг тезлиги пастки нуқтаси тезлигидан катта бўлганидан, жисмнинг шарққа силжиши аввалги тезликнинг инерция таъсирида сақланиб қолмоқчи бўлганидандир деб тушуниш мумкин. Демак, Беруний даги инерция тушунчаси Галилей — Ньютон инерция қонунидан олдинга тасаввурдир. Яна шуниси қизиқки, инерция қонунини Галилей айланма ҳаракатга, Ньютон тўғри чизиқли ҳаракатга тааллуқли деган бўлса, Беруний фикри иккала ҳаракатга ҳам тегишлидир.

(Давоми бор).

Восил ҚОБУЛОВ, Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ

ҲАЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ АЛГОРИТМЛАРИ

(ИЛМИЙ МУЛОҚОТ)

Ёшликни баҳорга ўхшатишади. Дарҳақиқат, шундай. У баҳор каби гўзал, тонг шабадаси сингари ёқимли, атиргулдай хушбўйдир. Ўсмирлар 15—16 ёшларида жисмоний томондан камолга эришадилар. Улар ўз дунёқарашини кенгайтириш, илм-ҳунар эгаллаш, мустақил ҳаётга тайёрланиш учун интиладилар. Одоб, ўзини тута билиш, дид-фаросат, шарм-ҳаё, ширинсуханлик билан гўзал ва латофатли кўринадилар. Хўш, бу хислатларнинг бутунлай тескариси бўлса-чи? Ана унда турган гапки, безорилик, дангасалик, лоқайдлик, танбаллик, ҳаёсизлик, номуссизлик енгилтаклик хислатлари «бола»лаб кетади. Назаримда, кейинги йилларда айрим оилаларда тарбиянинг етарли бўлмаётганлиги боис вояга етмаган ёшлар орасида жиноятчиликнинг турли хил кўринишлари, айниқса, ўғирлик кўпайиб бормоқда. Содир этилаётган жиноят, арзимас ва хавф уйғотмайдиган даражада бўлса ҳам, оилавий номутаносибликнинг оқибати сифатида унинг тобора жиддий тус олиши мумкинлиги нуқтаи назаридан эътибордан четда қолмаслиги керак.

Тошкент вилояти ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг вояга етмаганлар назорати бўлими бошлиғи, милиция майори Абдураззоқ ОДИЛОВ билан бўлган суҳбатда айнан шу хусусда гап кетди.

Ўсмир ва қонун

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

— Абдураззоқ ака, ўзингизга яхши маълумки, кейинги пайтларда давлат мулкига тажовуз қилиш ҳоллари ҳам қайд этилмоқда. Тааччубга солаётган парса шуки, бу каби ўғирликларни содир этаётганлар, асосан балоғат ёшига етмаганлардир. Айтинг-чи, бу хилдаги жиноятларнинг келиб чиқишига нима сабаб бўлаяпти?

— Ҳозирги иқтисодий қийинчилик даврида ёшларнинг нопок ишлар билан шуғулланиши жуда ҳам ачинарли ҳолдир. Назаримда улар учун текин даромад қилишнинг энг осон йўли — бировларнинг молмулкини ўғирлаш бўлиб қолди. Юқоридагиларга яна шуни кўшимча қилиб айтмоқчиманки, аввало, вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг юз беришига ота-оналар, мактаб ва таълим-тарбия масканларининг, қолаверса ёшлар билан ишлашда милиция назоратининг бефарқлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

— Абдураззоқ ака, фарзандларимиз тарбиясини келажагимизнинг пойдеворига ўхшатиш мумкин. Ушбу пойдеворнинг пишиқ ва мустаҳкам бўлиши учун нималар қилиш лозим деб ўйлайсиз?

— Назаримда, биринчи навбатда вояга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини атрофлича ўрганиб чиқиб, сўнгра улар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, суд, прокуратура, милиция, адлия ходимлари мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида бўлиб, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида профилактик тадбирларни тез-тез ўтказиб туришлари, мактаб ва ота-оналар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, ота-оналарнинг болалар тарбиясига масъулиятини ошириш, ўғил-қизлар ўртасида ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб қилиш зарурлиги тўғрисида қатъий бир хулосага келишлари лозим. Бу хайрли иш амалга ошса, яхши бўлади.

Жиноятчиликка қарши кураш учун ҳар бир киши ўзини даҳлдор деб билиши керак. Халқ таълими тизими ходимлари учун эса, ўз-ўзидан маълумки, бу ўта масъулиятли вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган мактаб директорларининг семинарида таклиф этилган илмлар ўртасида тарғиботташвиқот ишларини яхшилаш, уларни дарс вақтида ҳам, дарсдан бўш вақтларида ҳам қаттиқ назорат остига олиш учун тегишли тадбирлар белгиланди. Албатта бу ҳамкорликдаги ишимиз катта самара берди. Чунончи, 1996 йил бошидан то шу кунга қадар 2977 марта суҳбатлар ўтказилди.

— Энди аниқ рақам ва далилларга тўхталиб ўтсангиз?

— Ота ёки онанинг муттасил равишда ичкиликка ружу қўйиши фарзандига салбий таъсирини кўрсатмай қўймайди. Натижада бола тарбияси издан чиқади. Ана шундай оилалардан ўтган йилнинг ўзида 302 таси ҳисобга олиниб, тарбиявий иш олиб борилаётган бўлса, ҳозирги кунга қадар 212 та ана шундай оила ҳисобга қўйилди.

Афсуски, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан вояга етмаганлар ўртасида ўғирлик ва тан жароҳати етказиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. 1995 йил 3 сентябрь куни Янгийўл шаҳар Халқобод кўрғони Файзулла Хўжаев кўчасидаги 5-уйда истиқомат қилувчи, 1978 йилда туғилган Н. Хўжаев шу кўрғоннинг Уста Нормат кўчаси 14-уйда яшовчи Е. Асқаровнинг ҳовлисидан «Ўрал» велосипедини ўғирлаган. 1996 йил 6 апрель куни Янгийўл шаҳрида 1978 йилда туғилган, 3-ҳунар-техника билим юрти талабаси Бахтиёр Файзиев «Деҳқон» кўчасидаги 46-уйга бемаҳалда кириб, қимматбаҳо тилла буюмларни олиб кетган.

Шу йил 15 февраль куни Юқори Чирчиқ туманининг «Дўстлик» маҳалласида яшовчи, 1982 йилда туғилган А. Нуржаев уйи олдида жанжаллашиб, ён қўшниси С. Чўйинбоев (1982 йилда туғилган)ни уриб, тан жароҳати етказади.

— Ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида аввало нималарга эътиборни қаратиш керак?

— Болани қайта тарбиялагандан кўра, уни аввал бошдан тўғри тарбиялаган маъқул. Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади», деган ҳикматли нақл бекорга айтилмаган. Ёш авлодни тўғри тарбиялашда ота-онанинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Афсуски, айрим ота-оналар фарзандларини тўғри йўлга бошлаш у ёқда турсин, ўз ҳаттиҳаракатлари ва хулқ атворлари билан уларни нопок йўлга бошлайдилар.

Азал-азалдан тарбия маскани бўлиб келган мактаблар, ҳунар билим юртлари болалар тарбиясига аҳамият беришни кучайтиришлари лозим. «Қовун-қовундан ранг олади» деганларидек, битта тарбияси бузуқ бола бошқа тенгқурларини ҳам шу йўлга бошлаши мумкин. Шунинг учун ҳар бир болага илиқ муносабатда бўлиш зарур.

Суҳбатдош Улуғбек ЖУМАЕВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

Иқтисодий билимларни ўрганамиз

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

БЮДЖЕТ (инг. халта) — давлатнинг маълум муддатга мўлжаллаб тузилган ва қонун билан тасдиқланган даромадлари ҳамда харажатлари ҳисоби бандлар бўйича тақсимланган ҳужжат. Аксарият ҳолларда давлат, шаҳар, корхона, муассаса ёки бир оиланинг муайян муддатда кутиладиган даромадлари ва харажатларининг тахминий ҳисоби ҳам бюджет деб юритилади. Харажат қисми даромад қисмидан ортиқ бўлса, бюджетнинг тақчиллигини билдиради. Бюджет даромадининг харажатдан устунлиги ижобий қолдиқни ҳосил қилади. қ. Давлат бюджети.

В

Валюта (итал., лат. қадрланмоқ, қиймат) — 1) мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг типи (олтин, кумуш, қоғоз): 2) чет давлатларнинг пул белгилари ва чет мамлакат пул бирликларида ифода этилган ҳамда халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган муомала ва тўлов, кредит воситалари (векселлар, чеклар, ЭКО ва б.). Валюталар эркин алмаштириладиган (эркин юрадиган) — ҳар қандай чет эл валютасига чекланмаган миқдорда алмаштирилади, ҳар қандай мамлакатга эркин ўтказилади, қисман алмаштириладиган — валюта алмашуви у ёки бу эгалар, у ёки бу валюта ҳаракатлари билан чегараланади, алмаштирилмайдиган (берк) валюта — бир мамлакат доирасида амал қиладиган турларга бўлинади. Халқаро тўлов муомаласи эркин алмаштириладиган ёки Халқаро валюта фонди белгиланган курс бўйича эркин алмаштириладиган валюта билан бажарилади. Халқаро валюта фонди АҚШ долларини, Германия маркасини, Швейцария франкини, Англия фунт стерлингини ва Япония иенасини бошқа ҳар қандай мамлакатлар валютасига эркин алмаштириладиган валютага киритади.

Ташқи савдо шартномаларида товар нархи ифодаланган пул бирлиги нарх валютаси, товарнинг ҳақи тўланадиган ёки халқаро кредит қарзлари қайтариладиган пул бирлиги тўлов валютаси деб юритилади.

ВАЛЮТА АРБИТРАЖИ (фр. бир бозордан чет эл валютаси, қимматбаҳо қоғозлар ёки товарларни бир йўла сотиб олиб, бошқа бозорга нисбатан юқори нархда сотиш; 2) турли биржа марказларидаги ҳар хил нарх даражаларидан фойдаланиб қоладиган биржа битими («спот» ёки муддатли).

ВАЛЮТА АУКЦИОНИ — чет эл валютасининг миллий валютага кимошди савдоси орқали келишилган баҳоларда сотилиши. Аукционда корхоналар, фирма, ташкилот, акционер жамиятлар ва фуқаролар иштирок этиши мумкин. Ихтиёрида чет эл валютаси бўлган банклар валюта аукцион ташкил этадилар.

ВАЛЮТА БОЗОРИ — чет эл валюталари ва чет эл валюталари ҳисобида тўлов ҳужжаларини олди-сотдиси бўйича барқарор иқтисодий ва ташкилий муносабатлар тизими. Валюта бозори валюта хатарини сугурталаш, валюта заҳираларини диверсификациялаш, валюта сарфлари билан боғлиқ турли тадбирларни ҳам қамрайди. Уни миллий ва халқаро банклар, шунингдек, биржалар амалга оширади. Хўжалик ҳаётининг байналмиллаллашуви натижасида йирик халқаро валюта бозорлари Лондон, Париж, Нью-Йорк, Фбанкфурт-Майн, шунингдек, Токио, Сингапур, Гонконг, Баҳрайнда муваффақият билан фаолият олиб бормоқда. Ҳозирги даврда валюта бозорларидаги битимларга биноан валютани олди-сотди қилиш ҳажми йилига 50 триллион доллардан ортиқ суммани ташкил этади. Валюта бозорида муомалалар валютани нақд етказиб бериш (спот) билан ёки валютани келишилган вақтдаги курс бўйича маълум муддатда (1-3 ой ва ундан кейин) етказиб бериш (форвард) шаклида амалга оширилади. Аксарият валюта муомалалари АҚШ долларида олиб борилади.

(Давоми бор. Боши ўтган сонларда).

«ЮНУСОБОД» ТЕННИСЧИЛАРНИ ЯНА ЧОРЛАДИ!

«Президент кубоги» халқаро турнирининг очилиш маросими.

Матбуот конференцияси



Турнир ташкилотчиларидан бири, «Дўстлик» ордени соҳиби Сассон Какшури.

Пойтахтимизнинг энг гўзал ва сўлим гўшасида қад ростлаган «Юнусобод» спорт-соғломлаштириш мажмуи Америка, Осиё, Европа қитъасидаги 20 дан зиёд мамлакатларидан ташриф буюрган моҳир теннисчиларни қабул қилди.

Ўтган ҳафтанинг шанба куни бу гўша мухлислар, мутахассислар ва меҳмонлар билан гавжум бўлди.

Ўша куни оммавий ахборот воситалари журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказилди. Унда асосан «Президент кубоги» учун халқаро теннис турнирини ўтказиш тартиби, қонун-қоидалари ҳақида савол-жавоблар бўлди. Шунингдек, 8 кун давомида бўладиган тадбирлар, матбуот конференциялари хусусида сўз юритилди.



Ўзбекистон Теннис федерацияси Президенти Шавкат Каримов.

Конференцияда «Президент кубоги» мусобақаларининг ташкилотчиларидан бири, таниқли бизнесчи, «АГП — ТУР ЛТД» Швейцария фирмасининг Президенти жаноб Сассон Какшури, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Маҳситов, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Теннис Федерациясининг Президенти Шавкат Каримов ва бошқалар ушбу тадбир хусусида гапирдилар.



Теннисчиларимиз мураббийси Александр Метревели.

Шунингдек бунда «Президент кубоги» учун ўтказилаётган Халқаро турнирни энг яхши ёритган журналистларга 6 та мукофот таъсис этилди.

Матбуот конференцияси сўнгида ҳакамлар ва журналистлар иштирокида қуръа ташлаш тадбири бўлиб ўтди.

Матбуот конференциясини Анвар Жўрабоев олиб борди.

Қуръа ташлашда журналистлар ҳам иштирок этишди.

Катта теннис спортнинг энг қизиқарли турларидан бири. Жаҳондаги энг машҳур кишилар, президентлар, ҳукумат бошлиқлари, кино юлдузлари, таниқли ишбилармонлар уни севиб томоша қилиш билан биргаликда, ўзлари ҳам тез-тез кортларда ўзаро беллашиб туришади. Бироқ катта теннис омманинг жами қатламларига ҳам кириб бораётир. Бу назокатли ўйиннинг бошқаларга қараганда қандайдир ички бир жозибаси борки, етти яшардан етмиш яшаргача бўлган кишиларни ўзига оҳанрабодек чорлаб келади.

Аслида халқаро теннис турнирлари доимо мамлакатларнинг жаҳондаги обрўси ва нуфузини оширишга хизмат қиладиган кўприк вазифасини ўтаб келган. Мамлакатимиз пойтахтида ўтказилаётган «Президент кубоги» ҳам ушбу шарафли ва масъулиятли вазифани бажаришда катта аҳамият касб этади.

Тан олиб айтиш керак, яқин-яқинларгача Ўзбекистонда катта теннисни ҳақиқий спорт турларидан бирига айланади, дейишса кўпчилик ишонмасди. Ушбу спорт турини ўзларининг «касб»лари қилиб олган ўз ишининг усталари пайдо бўла бошлади.

Республикамиз давлат раҳбарларининг ушбу турнирга бўлган эътиборини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мусобақанинг нуфузини унинг мукофот фондидан ҳам билса бўлади, фонд 125 минг АҚШ долларига тенг. Якка ҳолда бўладиган учрашувларда ғолибликни қўлга киритган теннисчига 18 минг доллар ажратилади. Финалга чиққан спортчилар эса 10.600 доллардан олишлари мумкин. Жуфт бўлиб ўйнаганлар учун ғолибга 7750 доллар берилади. Финалга йўлланма олиш ҳуқуқини қўлга киритган моҳир ракетка усталари 4500 долларга эга бўлади.

Ушбу халқаро мусобақада асосан Нидерландия, Исроил, Россия, Германия, Испания, Франция, Дания, Швейцария, Хорватия, Украина, Словакия, Америка Қўшма Штатлари, Португалия, Словения каби мамлакатларнинг дунёдаги энг нуфузли теннисчилари билан биргаликда серқуёш она Ўзбекистонимизнинг Олег Огородов, Дмитрий Томашевич ва Вадим Куценко сингари иқтидорли спорт усталари ҳам майдонга тушади. Улардан ташқари асосий сетга бериладиган 4 та ўрин учун Вадим Куценко, Темур Хонхўжаев, Антон Кокурин, Антон Иванов ва Ғанишер Раҳматуллаев ҳам беллашадилар.

Турнирни томоша қилишга хорижлик томошабинлар ҳам ташриф буюришди.

Биз ҳам ўз навбатида теннисчиларимизга нуфузли мусобақада фақат омад тилаб қоламиз.

***

2 сентябрь куни мусобақа бошлаб юборилди. Ташланган қуръага кўра майдонга биринчи бўлиб ҳамюртимиз Темур Хонхўжаев испаниялик Феликс Мантиллага қарши чиқди. Бунда тажрибали Мантилла ғолиб чиқди — 1:6, 0:6. Айниқса, Феликснинг кучли, бурама зарбларини қабул қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Чунки Мантилла мазкур турнирнинг энг кучли ўйинчиси ҳисобланади. У дунё теннисчиларининг рейтингида 16-ўринда туради.

Америка Қўшма Штатларидан ташриф буюрган моҳир ракетка устаси Бовен ва ўзбекистонлик Дмитрий Томашевич учрашуви ҳам ушбу теннис кортида ўтказилди. Унда ҳамюртимиз ғолиб чиқди — 4:6, 1:6. Россияда профессионал спортчи мавқеига эришган дастлабки теннисчи Андрей Черкасов ва франциялик Хет Степхане ўртасидаги баҳсда Андрей Черкасов ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди — 6:4, 6:1. Испаниялик моҳир спорт устаси (ПТА рейтинги бўйича 193-ўрин) Алберто Портас ўзига қарши майдонга тушган рақиби Дмитрий Поляковни қийинчилик билан енгди — 2:6, 6:4, 6:4. Германиялик Рахман Ларс, португалиялик Бернардо Мотанинг устидан ғалаба қозонди — 7:5, 6:3.

Ўйинлар давом этмоқда. Мусобақалар натижалари ҳақида газетамизнинг кейиги сонларида батафсил танишиб борасиз.

ЖУРНАЛИСТЛАР САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАР

Пойтахтимизда ўтаётган «Президент кубоги» халқаро турнирида моҳир теннисчилар оммавий ахборот воситалари журналистларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтармоқда. Қуйида уларнинг айримлари фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз. Феликс Мантилла (Испания) (кейинги икки йил ичида ПТА рейтинг рўйхатида минглик довондан 84-ўринга, кейинги йили эса 16-погонага кўтарилди. У бу йилги турнирнинг «биринчи ракеткаси соҳиби» ҳисобланаяпти.

— Ўзбекистон ҳақида эшитганларингиз...

—Болалик кезларимдаёқ замин сайқали ҳисобланмиш кўҳна Самарқандни Регистон майдонида жилоланиб турган, кўрки-таровати бутун оламни тутган Шердор, Тиллакори мадрасалари, Гўри Амир мақбаралари, Бибихоним масжидини ойнаи жаҳон орқали зўр қизиқиш билан томоша қилардим. Ушандаёқ юртингизнинг гўзаллиги мени тамоман мафтун этган эди. Ўзбекистон пойтахти — Тошкентни кўриш, бу гўшада хумордан чиққунча сайр қилиш, тошкентликлар билан мулоқотда бўлишни чин кўнгилдан орзу қилардим.

— Тошкентга келиб тушгач, биринчи таассуротларингиз...

— Бугун келдим. Шунинг учун гўзал меҳмонхонаю ажойиб кортдан бошқасини кўриб улгурганим йўқ.

— Бугунги рақибингиз ҳақида икки оғиз фикр билдирсангиз...

— Энди мен билан биринчи бор куч синашган ҳамюртингиз Тимур Хонхўжаев майдонда ўзини ниҳоятда эркин тутди, Йўллаган тўпларимни ҳеч қандай қийинчиликсиз қайтарди. Ҳали унинг юзага чиқмаган имкониятлари ҳам бор деб ўйлайман. Бундай халқаро турнирларда қатнашиш унинг маҳоратини оширади, бор истеъдодини ишга солишга ёрдам беради.

— Ниятингиз?

— Ниятим — ушбу турнирдан ўз юртимга ёруғ юз билан қайтиш.

Турнирнинг биринчи ракеткаси Ф. Мантилла.

Андрей ЧЕРКАСОВ (Россия):

— 1989 йил 1 майда Черкасов профессионал теннисчиларнинг жаҳон классификациясида 49-ўринни эгаллаб, 50 нафар энг кучли ўйинчилар сафига кирдим. Ушандан буён ўз рейтингимни мутаназм равишда ошириб келяпман. Саъй-ҳаракатларим натижасида 1990 йилда 21-ўринга кўтарилдим.

Австралия ва Америка Қўшма Штатларининг очиқ чемпионатларида (1990) чорак финал қатнашчиси бўлдим. Бироқ мен ўзимнинг теннис соҳасидаги энг улкан ютуқларимни Москвадаги Кремль кубоги турнирида қўлга киритгандим. Теннис ҳаётимнинг мазмунига айланиб қолган. Бу йил бошида Индиан Угильсдаги «Челленжер»нинг ярим финалида германиялик моҳир теннисчи Алекс Радулеску ва чехиялик Ян Кросляк устидан ғалаба қозонганман.

Шунингдек Неаполдаги «Челленжер»нинг чорак финалида ўйнаганимни ҳам айтиб ўтиш мумкин. Ушбу турнир ўтказилмасидан анча вақт илгари қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандда халқаро Челленжер турнири бўлиб ўтди. Унда муваффақиятли қатнашдим. Сизларда президентингиз Ислом Каримовни спортга бу даражада катта эътибор бераётганлиги мени қойил қолдиради. Келгусида ҳам яна кўп бор халқаро турнирларда ракетка билан майдонга чиқамиз, деб умид қиламан.

Эмилио АЛЬВАРЕС (Испания):

— Мен Тошкентга келгунимча Англиядаги халқаро турнирда қатнашиш бахтига муяссар бўлган эдим. У ерда устимиздан шаррос қуйиб турган ёмғир ўйинни қийинлаштирарди. Мамлакатингиз пойтахтида эса аксинча, об-ҳаво иссиқ, ҳарорат анча баланд экан. Очиғи, бошида бунга мослаша олмай анча қийналдим. Хайрият, аста-секин кўника бошладим. Дастлабки ўйинни Дмитрий Поляков билан ўтказдим. Ўйинда мен тўлиқ устунликни қўлга киритдим.

Ёшим 24 да. 13 ёшимдан буён профессионал теннисчилар турнирларида қатнашиб келяпман. Айни кунга қадар 30 дан ортиқ турларда иштирок этишга улгурдим. Ўйлайманки, тўплаган бой тажрибаларим мусобақа давомида панд бермаса керак. Ҳаммасини энг одил ҳакам—вақт кўрсатади.

Улуғбек ЖУМАЕВ.
Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар.

Хулласи...

96-йилнинг совуқ ёзи

Бу воқеа Днепропетровск вилояти Новомосковский тумани хўжаликларидан бирида содир бўлди. «Доминатор» комбайнига ўрнатилган кондиционер бирдан ўта совуқ ҳаво пуркай бошлади. Электроникани лом ёки монтировка билан тузатишнинг эса ҳеч иложи йўқ. Шу боис, «ўзиюрар музлатгич» мавсум охиригача ишлаб турди. Тўғри, сўнгги кунларда ёрдамчи комбайнчининг қалпоқ ва пахтали фуфайкада ишлашига тўғри келди. Чунки, унинг устози шамоллаб қолган эди. Уттиз даража иссиқда.

Мурканинг масофасиз муҳаббати

Кисловодсклик Галина Ивановна Муркани ўз қўшниларига қолдириб «эти сизники, суяги бизники» дедию Бокуга, қизиникига равона бўлди. Чузилган меҳмондорчиликнинг сўнгги кунларидан бирида Мурканинг йўқолиб қолганлиги ҳақида хабар топган она-боланинг ҳавотири кўпга чўзилмади. Роппа роса икки йил деганда, Мурка минг километрлик масофани босиб, икки миллион аҳоли яшайдиган шаҳардаги Галина Ивановнанинг қизининг уйи остонасида турарди. Мушукнинг муҳаббатига қойил!

Тўлқинлар орасида тўрт кун

Хитойнинг Ганьсу музофотида катта сув тошқини юз берди. Бундан бехабар, полизда бамайлихотир ишлаётган Цзянь Цайлянь исмлик қизни ҳам ҳовучига олдию кетди. Тўлқинлар орасида неча-неча юртларни кезиб, қарийбки 120 километрлик масофани босиб ўтиб, ниҳоят қуруқликка чиқиб қолди. Бу орада қиз бир неча тўғонлардан омон-эсон ўтиб кетди. Бироқ, қизиғи шундаки, Цзянь Цайлянь умуман сузишни билмаган.

ана шунақа гаплар.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ректорати ҳамда ўзбек ва қозоқ филологияси факультети жамоаси, «Ўзбек классик адабиёти» кафедрасининг аспиранти
Ширин АКБАРОВАнинг
бевақт вафоти муносабати билан марҳумининг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Таълим маркази раҳбарияти ва касаба уюшмаси мактабдан ва синфдан ташқари таълим-тарбия бўлимининг етакчи методисти Шаҳодат Ҳасановага опаси
Мунаввар ҲАСАНОВА (ЖЎРАЕВА)
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги янги технологиялар бўйича ўқув ишлаб чиқариш Республика маркази директори, Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими
ИВАНОВ Константин Валентинович
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси ва касаба уюшмаси қўмитаси шу институт «Араб филологияси» кафедрасининг доценти И. Г. Фатеевага опаси
Полина ФАТЕЕВА
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази, жисмоний тарбия ва ёшларни чақириққача тайёрлаш бўлими бошлиғи Карим Маҳкамжоновга рафиқаси
Марҳамат МАҲКАМЖОНОВАнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Олимжон ҲАЙИТОВ, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0511. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

123456